



Кутлуг Туркон ого (1331 1383) — Амир Телгурнинг опаси. Амир Довудбек дуглатнинг хотини. Сохибкирон 1360й. ларнинг бошларида ганимлари таъкиби туфайли Самаркандга келиб Кутлуг Туркон Ого уйида 48 кун турган. 1375 й. Сохибкирон Ўзганда Дилшод огога уйланган чоғда Кутлуг Туркон Ого нўёнлар ва амирлар билан тўйга етиб келган.

---

Низомиддин Шомийнинг ёзишича, 1383 й. Дилшод ого вафотидан бир неча кун ўтгач, «ўзининг хайрли ишлари, инъому эхсони билан замонаси хотинларидан ўзган, ўз холис молларидан мадрасалар, хонакохлар курдирган, хар нав эзгуликлари билан жахон халкига фойда етказган улуг хотун — Амир Сохибкироннинг опа-си» К. Т. о. вафот этган. Сохибкирон бундан каттик изтиробга тушган. Бир неча муддат мамлакат ва давлат ишлари билан шугулланмай кўйган. Кутлуг Туркон Ого ниҳоятда доно ва заковатли аёл бўлган. Амир Темур барпо этган кўп бинолар унинг маслахати билан ишланган. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, «унинг қабрини... Кусам ибн Аббоснинг мазорига якин қаздилар ва қўйдилар».